

Қоракалпоқ Композиторларининг Асарларида Миллий Мусиқанинг Ўзига Хос Жанрийлик Хусусиятлари

Одилбек Темирбоев¹

Anatation: The article deals with the main genres of the composer's work, such as stage works and multi-act musical dramas, operas and ballets. In his works, he spoke about the use of the Karakalpak national vocabulary.

Keywords: Drama, music, tool, rhythm, opera, stage, work, composer, director.

Хар қандай саҳна асари яратилаётганда албатта, шу асар руҳига мос тушадиган мусиқа ҳам ёзилади. Бунда режиссёр композитор билан бирга ҳамкорликда ишлашига тугри келади. Мусиқа спектаклнинг безакларидан хисобланади. Уни мукаммал чиқишида мусиқанинг қанчалик тугри танланганлигига боғлиқ.

Драматургия адабиётнинг қанчалик мураккаб тури бўлмасин, барча санъатлар каби ҳаётнинг бадий инъикоси эканлиги шубҳасиз. Шундай экан, ёзувчи (драматург) ўзи яшаб турган воқиликни чуқур англаб, кўз ўнгидаги рўй бераётган жараёнлар моҳиятини онги ва қалби билан ҳис этгандагина ҳаётни ўз ифода воситаси или бадий образлар ёрдамида акс эттира олишлари мумкин.

Маълумки, композиторлик ижодиётида мураккаб жанрлардан бири опера ҳисобланади. Синкетик санъат сифатида у ўз ичига профессионал мусиқа сир-асрорларидан ташқари адабиёт, мусиқа саҳна қонуниятлари, драматургия, актёрлик маҳорати, рақс санъати каби санъат турларидан яхши воқиф бўлишини тақозо этади. Операга одатда маълум профессионаллик тажрибага эришган композиторларгина қўл уради ва бу бежиз эмас. Мазкур жанрни яратиш ортида катта меҳнат, орттирилган профессионал билим ва кўнимкамлар бўлиши табиий.

Композиторнинг “Ажинияз” операсининг асосида коракалпоқ ҳалқ қуйларини ёзил, улар муаллифнинг ёрқин рангли ижро услуби ва ёзма композиторлик хати ўлароқ ўзига хос бетакрор мусиқий-саҳнавий асар яратишга асос бўлди. Улуғ шоирнинг ёрқин асарни муҳрлаш ва тарғиб этиш йўлида, қарангки, ўзи ҳам шундай композиторга айланди. Шуни кайд этиш лозимки катта ҳажмли асарлар композитор бисотида ягона эмас. Унинг ижодий бисотида “Айжамал” балети, Нажим Дауқараевнинг “Алпамис” пьесаси асосида мусиқали драма, Кенесбай Рахмановнинг “Түқиз тунғилдоқ ва бир чийилдоқ” комедияси, “Посқан ел” каби симфоник поэма ва бошқа бир қанча асарлар мавжуд².

Маълум композиторлик ижодиёти яратиш бўйича энг мураккаб жанрлардан бири опера ҳисобланади. Синкетик санъат сифатида у ўз ичига профессионал мусиқа сир-асрорларидан ташқари адабиёт, мусиқа саҳна қонуниятлари, драматургия, актёрлик маҳорати, рақс санъати каби санъат турларидан яхши воқиф бўлишини тақозо этади. Операга одатда маълум профессионаллик тажрибага эришган композиторларгина қўл уради ва бу бежиз эмас. Қоракалпоқ биринчи миллий операсининг яратилиши республика маданий ҳаётидаги катта воеа бўлди.

Композитор «Ажинияз» операси устида ўн йил давомида тинимсиз иш олиб борди. Операнинг биринчи актининг биринчи кўриниши 1974 йили Бердаҳ номидаги Қоракалпоқ мусиқали драма театрида саҳна юзини кўрди. 1982 йили «Ажинияз» операси Ўзбекистон ва Қоракалпоғистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси томонидан расмий қабул қилинди.

Операнинг премьераси 1987 йили 14 ноябрда Маданият ва санъат билим юрти ўқитувчилари ва талабалари, Нукус маданият техникумининг ўқитувчи ва ўқувчиларининг ҳамкорлигига мусиқали театр саҳнасида бўлиб ўтди. Операнинг ilk намойишида Махсүт Ҳожаниязов, Базарбай Надиров, Илиш Ҳожаметов ва ёш хонандалар қатнашдилар.

Қоракалпоқ шеъриягининг классиги, XIX асрда яшаган Қосибай ўғли Ажиниязнинг умри операнинг либреттосига ётган³.

¹ 2nd year master student of the Nukus State Pedagogical Institute Education Musical Art

2.Адамбаева Т. Музикальная культура каракалпакского народа до октябрьского периода. //АН КазССР. Ин-т литературы и искусства им. М.Ауэзова – Алма-Ата, 1967.

³ Операнинг қисқача мазмуни. Бозату элида йигит ва қизлар Наврўз байрамини сайил қилиб кутиб олаётганда уларга Ҳивадаги мадрасани туттаган Ажинияз шоир келиб қўшилади. Ҳалқ уни жуда яхши кутиб олишади. Шоирнинг келганига унинг қаллиги Ҳанзада ва Панаҳан ҳаннинг қизи Айберек ҳам хурсанд бўлади. Бу ерда овул оқсоқоллари ҳалқ қаҳрамони Пиримбий билан бирга келган шоирни табриклайди. Уларнинг орасида кўп асрдан бўён эзилиб келган Қоракалпоқ ҳалқининг тақдирни ҳакида сухбат бўлади.

Ажиниязни талантли шоир, созанда, композитор ва қорақалпокларнинг ёрқин келажаги учун курашиши жамият ишига ўз хиссани кўшадиган инсон сифатида кўрсатган.

Операнинг драматургияси икки қарама-карши: ижобий қаҳрамонлар – Ажинияз, Пиримбий, Ханзада ва халқ образи ҳамда салбий қаҳрамонлар – Панаҳан, Айборек, Бердихан образлари доирасида гавдаланади.

«Ажинияз» операси лейтмотивлик ривожланиш омилига асосланган. Хусусан, бешта кўринишларнинг чолғу муқаддималари бош қаҳрамонлар лейтмотивларига асосланиши асарни умумий мусиқа матни ривожига ўз таъсирини кўрсатади. Композитор Н.Мухаммединов операда халқ қўшикларидан кенг фойдаланган, жумладан, биринчи кўринишда Ажиниязнинг арияси «Бармекен», Пиримбийнинг арияси «Қаршиға қустин баласи» каби қўшиклар асос бўлади.

Ажиниязнинг образи операнинг муқаддимасида қорақалпок халқ қўшиғи «Бозатау» билан кўрсатилади. Бу қўшиқ операнинг давомида бир неча бора такрорланади. Операнинг муқаддимасида жой олган «Теке налиш» ҳамда «Бармекен» кўйларининг ўзига хос ладлари, ритми ва тузилишлари лейтмотив мавзуларига ўзгача жозиба баҳш этади. Бу икки куйнинг яқинлиги операнинг якунловчи бўлимида жуда ёрқин намоён бўлади⁴.

Қорақалпок халқининг қайғу-хасратли умрини, элнинг гўзллигини ва халқнинг такаббурлигини композитор бош қаҳрамон – шоирнинг «Бозатау» куйи ва илҳом берувчи «Еллерим барди» қўшиғи орқали кўрсатган.

Халқ ботири Пиримбийнинг образи лейтмотивга эга бўлиб, даставвал унинг мавзуси «Қарўига күшнинг боласи» орқали берилади. Ўз таъсирилиги бўйича бу қўшиқ «Бозатау» қўшиғига яқиндир. Опера воқеаларини ҳар хил шароитида Пиримбийни суратларида бу лейтмотив пайдо бўлади.

Шоирнинг суюкли ёри Ханзада образи ҳам лейтмотивлар орқали кўринишланган. Унинг биринчи лейтмотиви операнинг муқаддимасида ва биринчи акттаги ариясида, сўнгра операнинг барча кўринишларида Ханзаданинг образини ёритища янграб келади. Ажинияз, Пиримбий ва Ханзада образларининг мавзувий бирлиги асарнинг якунловчи кўринишида ёрқин намоён бўлади.

Операнинг салбий образлар доираси деярли кам бўлиб, якка мусиқали сифатлар билан берилган. Хусусан, Панаҳаннинг қизи Айборекнинг ёвуз олами бир қолиплик оҳанглар билан кўрсатилади. Шунга ўхшаган усувлар билан Кўнғиротнинг хони Панаҳан ҳам гавдалантирилади.

Операнинг ривожланиш драматургиясида хор номерларига алоҳида эътибор берилган. Саҳнадаги оммавий кўринишлар қаҳрамонларни турли шарт-шароитдаги ҳолатлари билан боғлиқ бўлган жуда таъсирили эпизодлар билан боғлиқ бўлиб, I-кўринишдаги тўрт овозли «Наврўз» байрамига бағишлиланган хор шулар жумласидандир.

Композитор хорларини халқ кўйлари асосида яратган бўлиб, операнинг драматургиялик ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади. Ҳар бир кўринишдаги хор номерлари орқали ҳалқни ҳаракатчанлиги, қувончли кунлари, қайгули дамлари ва орзу-умидлари кенг гармоник фактурали тузилмалари билан ифодалаган. Операни бош гояси якунловчи эркаклар хорида (бош қаҳрамонлари Ажинияз, Пиримбий ва халқ) умумлашган ҳолда баён қилинади⁵.

Операнинг драматургиясининг ривожланишида ва қаҳрамонларнинг образларини очишда оркестрнинг ўрин муҳимдир. Катта бўлмаган опера муқаддимаси оддий уч кисмли шаклда ёзилган бўлиб, ҳар бир бўлими операнинг ижобий қаҳрамонлари лейтмотивларининг туташ биринчи орқали тузилганлиги кўзга ташланади. Хусусан, Ажинияз Пиримбий ва Ханзада торли ва урма зарбли чолғулар орқали гавдалантирилади. Панаҳан ва Айборекнинг образлари мис дамли чолғулари орқали кўрсатилади. Операнинг III-кўринишидаги уруш кўринишлари ўткир драматик оҳанглар билан, сарой қизларининг ўйин-ракслари эса нозик кўйлар билан кўрсатилади.

Композитор биринчи Қорақалпок миллий опера воқеаларини, образларини операнинг анъанавий номерлари ва шакллари орқали кўрсатишга интилган (ария, речитатив, хор, ансамбль ва б.лар). Операнинг ижобий образли қаҳрамонлари лейтмотивлик, ва салбий қаҳрамонлари оркестрлик, ракс саҳналари ва хор номерлари орқали ифодалаган. Операнинг оҳанглари асосини – фольклор мавзулар, қорақалпок мусиқасига хос қочиримлар ва миллий мусиқанинг ўзига хос жанрийлик хусусиятлари ташкил қилгани бу асарни мусиқа шинавандалари юрагида алоҳида жой эгаллаганининг яна бир сабабларидан бири.

Н.Мухаммединов яратган «Айжамал» балетининг либреттоси муаллифи Т.Хожасов бўлган. Ушбу балет композиторни «Ажинияз» операси каби Қорақалпогистон Республикасининг маъданий ҳаётидаги биринчи балет бўлиб ҳисобланади. Балетнинг премьераси 1996 йили «Бердаҳ» номидаги мусиқали драма театрида бўлиб ўтди.

Балет яхшилиқ ва ёмонлик кучларнинг қарама-каршилиги кўрсатилади⁶. Айжамал, Ерман эзгулик ва одиллик тарафдорлари; Дарменбай, Оразбийке, Шилимбет ёвузлик ва адолатсизлик тарафдорлариридир.

4.Вызго Т. Опера и музыкальная драма // в сб.: Музыкальная культура Сов. Узбекистана – Т., 1955

5. Джумаев Т. «Проделки Майсары» – первая узбекская комическая опера. // Вопросы музыкальной культуры Узбекистана. Выпуск 1. – Т., 1961

6. Балетнинг мазмуни бир-бирига ошиқ бўлган Қасим ва Айжамалнинг тақдирли муҳаббатига бағишлиланади. Балетнинг қисқача мазмуни . Дарменбайнинг ўғли Қасим қашшоқ оила Ерманинг қизи Айжамални яхши кўради. Балетнинг биринчи кўринишида дарёнинг бўйида, овулнинг ёнида бўлаётган «Наврўз» байрами кўрсатилади.

Балетнинг бош қаҳрамони Айжамалнинг отаси Ерман, ўгай онаси Оразбийке, севган йигити Қасим ва бошқалар уларни тариғловчи лейтмотивлар билан ва мусиқали мавзулар билан кўрсатилган. Айжамал ва Қасимнинг ўлим мавзуси балетни муқаддимасидан тортиб асарнинг охиригача ҳар тарафлама ривожланиб, ўлим саҳнасида ўз поёнига етади.

Айжамални мусиқали қўринишларида қарақалпоқ халқ куйларидан – «Қобиз» сози, «Айралиқ» ва бошқалардан фойдаланган. Қасим балетда «Уфори» оҳангига оёқ ўйини куйи билан кўрсатилган. Бошқа қаҳрамонлар ҳам халқ куйлари орқали кўрсатилган: «Минг тумен», «Қобиз сази», «Ешбай».

Асарда халқ турмуши қўринишларидан – «Наврӯз» байрами, қизлар ўйини, уй шароитининг қўринишлари чиройли суратланган. Бўларни таъсирли қилиб кўрсатиш учун композитор қорақалпоқ куй кўшиқларидан –

«Қизлар кўшиғи», «Шимбай намаси», «Айкулаш» ўйини куйларидан фойдаланган. Қиз ва йигитлар ўйини икки бўлимдан ташкил топган: биринчи қисмда «Қизлар кўшиғи» юмшоқ ва лирик оҳангда «сол» минор тоналигига берилган. Иккинчи қисмida йигитлар ўйини қорақалпоқ халқ куйи «Шимбай ойини» билан берилган. Бу куй дастлаб пастки регистрга ўтади. Куй «фа» ионий ва миксолидий халқ ладларида берилган. Бу рақсда сайилнинг асосий тематикалик материали кўрсатилган.

Қиз ва йигитлар рақси секин Ешбай чўпоннинг хушчакчақ куйига ўтади. Чўпон ён атрофдагиларни «Ешбай» куйида ижро қилиб кулдиради. Биринчи картиналинг охирида Қасимнинг шодлик ўйинига Айжамалнинг лейтмотиви қўшилади. Табиатнинг қўринишларини ва турмуш шароитларини кўрсатишда композитор симфонизация усувларини кенг фойдаланган. Дарёнинг буйларини, қалин туқайларни, қоронгу тунни, қочишибувлаш, уруш ҳаракатларидай жанрлик қўринишларда симфонихация усулин кенг фойдаланган. Балет қатнашувчиларни ва жанрлик қўринишларни ифодалашда ижодкор драматик усувларни кўллаб, мусиқали мавзуларни ривожлантириб, буртириб кўрсатишда симфоник оркестрнинг ритмикалиқ, гармоник, фактура, динамика имкониятларидан унумли фойдаланиб кўпчилик тамошабинларга тушунарли мусиқали асар яратади.

Мазкур жанрни яратиш ортида катта меҳнат, орттирилган профессионал билим ва кўнималар бўлиши табиий.

Композиторнинг «Ажинияз» операсининг асосида қорақалпоқ халқ куйларини ёзиб, улар муаллифнинг ёркин рангли ижро услуби ва ёзма композиторлик хати ўлароқ ўзига хос бетакрор мусикий-саҳнавий асар яратишга асос бўлди. Улуғ шоирнинг ёркин асарни муҳрлаш ва тарғиб этиш йўлида, қарангки, ўзи ҳам шундай композиторга айланди. Шуни қайд этиш лозимки катта ҳажмли асарлар композитор бисотида ягона эмас. Унинг ижодий бисотида «Айжамал» балети, Нажим Дауқараевнинг «Алпамис» пьесаси асосида мусиқали драма, Кенесбай Рахмановнинг «Туқиз тунғилдоқ ва бир чийилдоқ» комедияси, «Посқан ел» каби симфоник поэма ва бошқа бир қанча асарлар мавжуд.

Фойдаланган адабиётлар

1. Адамбаева Т. Музыкальная культура каракалпакского народа до октябрьского периода. //АН КазССР. Ин-т литературы и искусства им. М.Ауэзова – Алма-Ата, 1967.
2. Айымбетов К. Халық даналығы. Нукус, 1968.
3. Вызго Т. Опера и музыкальная драма //в сб.: Музыкальная культура Сов. Узбекистана – Т., 1955
4. Ганзбург Г. О перспективах либреттологии / Музыкальный театр XX века: События, проблемы, итоги, перспективы / Ред.-сост. А.Баева, Е.Куриленко. – М.: Едиториал УРСС, 2004. – С. 244-249.
5. Джумаев Т. «Проделки Майсары» – первая узбекская комическая опера. // Вопросы музыкальной культуры Узбекистана. Выпуск 1. – Т., 1961
6. Ходжаметова Г. Музыкальная культура Каракалпакстана периода независимости. Автореферат докторской диссертации на соискание ученой степени к.и.н. специальность 07.00.02. – Нукус, 2007.

Байрамга қатнашган ёшларнинг орасида Айжамал билан Қосим ҳам бор эди. Сайилдан кейин улар ёлғиз қолиб бир-бирини севишлиарини исъхоқ қилишади.